

---

## Марғилон шаҳрида "ZOIKAN" китоблар олами зиё дўкони фойдаланишга топширилди

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Марғилон шаҳрида қурилиб, фойдаланишга топширилган Китоб зиё масканлари сони яна биттага кўпайди. Ёш тадбиркорлар томонидан 1-сектор ҳудудидаги Ипакчи маҳалла фуқаролар йиғинида "ZOIKAN" китоблар олами зиё дўкони қуриб битказилиб фойдаланишга топширилди. Китоб дўконининг очилиш маросимида сўз олган шаҳар ҳокими ушбу маърифат маскани ўғил-қизларни китобга ошно қилиш, китоб мутолааси ёрдамида ёт ғоялар таъсиридан асраш, эртамик эгаларини ватанпарварлик ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини эътироф этиб ўтди.

2021-04-16 15:11:38